

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1058>

ON THE BASIC CONCEPTS OF LEXICOGRAPHY

Худайберганова Назокат Рахимовна

УрДУ Хорижий филология факультети роман-герман

филологияси кафедраси ўқитувчиси

+99897 791 80 94

nazokat_fransuz@mail.ru

Фарходова Мафтуна

УрДУ Хорижий филология факультети

француз тили йўналиши

3-босқич талабаси

F.maftuna@inbox.ru

Биламизки, лексикография сўзларни жамлаш, маъноларни ўзга тилга таржимасини бериш асносида ишлатилиб келинади. Ўқув луғатини яратиш бу энг аввало лексикографнинг санъатидир. Санъат ташкил топадиган энг муҳим компонентлар эса лексикографнинг асосий характеристикалари ҳисобланади. Булар: 1) тил билимлари ҳажми, яъни она тили ва чет тилини билиш; 2) ўқув луғатининг мақсад ва вазифаларини англаш; 3) умуман луғат тузиш (унинг композицияси) ва ҳар бир луғат мақоласини тузиш (уни шакллантириш) малакаси ва кўникмалари; 4) китохонни ҳис қилиш ва унга муружаат қилишни билиш ва ниҳоят, 5) ҳозирги кундаги лексикографиянинг ҳолатини тушуниш ва ҳозирни нутқ амалиёти эҳтиёжлари билан боғлаб уни ривожлантириш вазифаларини тушуниш. Бу омилларни умумий интеграл баҳолаш луғатнинг ҳажмига ва ҳар бир аниқ сўзнинг шарҳига нисбатан лексикограф қабул қиладиган қарорларда акс этади. У луғат мақоласини луғатнинг ўзи ўйлаган умумий образига, ва ўзи шарҳламоқчи бўлган ушбу сўзнинг образига риоя қилиб, узил-кесил натижада шакллантиради.



Умумий интеграл баҳо, эхтимол, деярли бутунлай алоҳида мантиқий ва тушунчавий аппарат билан ифодаланиши мумкиндир. Аммо бу тушунчавий аппарат камдан-кам қўлланилади ва оз ишлаб чиқилган. Гап шундаки, ҳар қандай тузилган луғат ўз даври билан боғлиқ, тилларнинг ривожланиш даражасини (ушбу ҳолда луғатларнинг тилларини) акс эттиради, лексикографик анъаналарнинг ҳолатини ифодалайди, шу сабабли ҳар бир луғат учун ўз тушунчаларининг ўзгартирилган тизимини қуришга тўғри келиши мумкин эди. Соддароғи ва фойдалироғи луғатнинг ўзини ёзиб қўйиш бўлар эди.

Сўзларни кузатувчи ва уларни луғатлар базасида, фақат маълум даражада матнлар базасида таснифловчи лексикология тушунчаси умумий характердаги соф аналитик тушунчалар ҳисобланади. Бу тушунчалар бизга гўё предметнинг анатомиясини беради, тилнинг лексикасини маълум умумий тушунчалар нуқтаи назаридан ишлаб чиқади: синоним, антоним, фразеологизм, провинционализм, историзм, архаизм ва ҳ.к. ва ҳ.к. Сўзнинг реал ҳаёти учун луғатни тузиш палласида бу тушунчалар катта аҳамиятга эгадир. Улар лексикограф томонидан қандайдир мажмуи, шу заҳоти ҳаммаси бирга, ҳар бир алоҳида сўзни ўрганишда ва таърифлашда қўлланилади, чунки ҳар бир алоҳида сўзга нисбатан ўзига хос лексикологик координаталар тўрини ўрнатиш керак бўлади. Бироқ ҳар бир аниқ ҳолда бундай координаталар тўрини яратиш осон иш бўлмайди, чунки сўз, мустақил организм сифатида тилда ўзининг алоҳида ҳаёти билан яшайди, лексикографнинг вазифаси эса сўзни аниқ китобхонга аниқ тарзда ва унинг ҳаётининг аниқ палласида тақдим этиш ҳисобланади. Шу сабабли лексикографнинг қарорини баъзибир масалаларда, битта объектда кўплаб ва бошқа-бошқа билимларни бирга қўшиш, объектнинг қандайдир образини яратиш ва бу объектнинг лойиҳасини тузиш бўйича инженерлик санъати соҳасидаги қарорларга таққослаш мумкин. Ҳар бир аниқ ҳолатда лексикограф қабул қиладиган ижодий қарорлар лексикологик фанга таянган,



.....

бирок синтез анализга қарма-қарши қўйилгандек алоҳида конструктив маҳоратни ташкил қилади.

Лексикографнинг маҳорати маълум принципларга амал қилади, уларни лексикограф лексикологик билимлар асосига айрим сўзлар масаласида аниқ қарорлар қабул қилганида унутмаслиги зарур.²⁰ Бу принциплар тўртта элементлардан ташкил топади: 1) лексикограф (коннотацияларда ва уларнинг ичида сўзларнинг маъновий алоқаларида) луғат таянадиган ўша матнларнинг тизимини ўзига тасаввур қилиши керак. Ўқув лексикографиясида бу энг аввало матнларнинг ўша тизимига тегишли-ки, улар асосида ўқитиш ташкил қилинади (ўқув, хрестоматиявий матнлар ва ўқувчи томонидан ўқилиши ва ўзлаштирилиши ўқитишнинг истиқболини таъминлайди).

2. Лексикограф лексикографик аънанани билиши, энг ишончли луғатларга таянишни ууддалаши керак. Бу, лексикограф мавжуд луғатларни ўқишни, таърифлашни ва қайд қилишни (кўчиришни) билиши керак, деганидир. Лексикографик аънана халқларнинг бойлигини ташкил қилади, ундан юз ўгириш тилни тўғри тушунишдан бошқа томонга кетишни билдиради, бунинг натижаси луғат тузилишидаги субъективлик ва примитивлик ҳисобланади.

3. Лексикограф луғат китобхонининг қизиқишларини тушуниши, бу китобхон ўзининг маданий савияси билан қандайлигини, шарҳларнинг қандай тури ва сўзликнинг қандай ҳажми унинг умумий ва алоҳида қизиқишини қондириши мумкинлигини билиши, яъни унинг луғати китобхоннинг қандай эҳтиёжларига жавоб беришини чуқур тушуниши керак.

4. Лексикограф, лексикологияга таяниб, ўз онгида тилнинг образини шакллантириши керак. Тилнинг бу образи тилнинг ўзини ўзи очиб бериш паллаларини, тил тафаккурининг бу тилда нутқ товушларининг ажратиб ва

²⁰ Лексикографияда эксперимент методининг маҳсулдорлиги Л. В. Шерба



тўри талаффуз қилиш ҳиссидан тортиб, сўзларни қўллашнинг табиийлигигача, уларнинг стилистик йўналтирилганлигини ҳис қилиш билан интроспектив англанишини ўз ичига олади. Ўзида нутқ образини, тил образини очиш лексикографда ушбу тилни билувчи инсоннинг идеал образи қандай бўлиши керак деган тасаввурни ҳосил қилиш билан бирга келади. Бунинг учун тил билимлари ва қўникмалари нуқтаи назаридан идеал тил шахсини тасаввур қилиш керак. Бу тил шахси тилни ишлатишнинг намунаси, нутқ муомаласи намунаси, умумий услуб намунаси сифатида тасаввур қилиниши керак.

Идеал тил шахси ҳақидани тасаввур, лексикография тарихининг кўрсатишича, турли луғатларнинг муаллифларида турлича бўлади.²¹ Гарчи аниқ луғат мақоласини яратишда, ҳудди бутун луғатни яратгандаги каби, тўртта принципларнинг барчаси биргаликда ишлатилади ва табақалаштирилмаган – принципларнинг умумийлиги асосида қарор қабул қилинади ва унинг образини ташкил қилувчи луғат мақоласининг узил-кесил матни шакллантирилади, лексикографик ишда тўртинчи принцип охириги, натижа берувчи ҳисобланади. Шунинг учун натижа берувчики, у, аслини олганда, луғатда тил шахсининг умумий образини шакллантириш учун материални ташкил қиладиган олдинги учтани бирлаштиради ва синтез қилади.²²

Айтилганга кўра фан сифатидаги лексикографиянинг ўз предмети бор – луғатлар тузиш техникасини ўрганиш, аниқ қарорлар қабул қилинадиган принципларни ишлаб чиқиш. Ҳа, мисол учун, лексикограф сўзларнинг хилма-хиллиги билан тўқнашади: шундай сўзлар борки, уларнинг маънолари товушларнинг таркиби билан қатъий боғлиқ. Булар ономатопоэтик ёки рамзий товушли сўзлардир. Шундай сўзлар борки, уларнинг маъноси

²¹ Уфимцева А. А. Лексикология. . М., 1968, с.233.

²² Виноградов В.В. Избранные труды: Лексикология и лексикография. М., 1977.



товушга гўё формал белги сифатида тегишлидир. Шундай сўзлар борки, уларда грамматик категория маъноси сезилмай қолган ва формал-синтактик алоқаларнинг мужассамланиши билан чекланади. Айрим сўзларда баҳолаш томони устунлик қилади, бошқаларида эса у олиб ташланган ва сўзнинг маъносида биринчи ўринга мантикий таъриф чиқади.

Луғатда ҳар доим ҳам лексик ва грамматик ўртасидаги чегара аниқ эмас. Бу шу билан изоҳланадики, предлоглар, боғловчилар, кўпинча эса сўзларнинг бўлаклари луғатларда алоҳида чет сўз, лексик birlik тарзида намоён бўлиб, уларда лексик маъно грамматик маъно билан бирга қўшилган ва тенглаштирилган.²³

Айнан сўзларнинг ранг-баранглиги, уларнинг келиб чиқишларининг фарқлари, полисемия лексикографнинг бевосита иши тушадиган тилнинг кўп қиёфалигини ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам лексикографик санъатнинг илмий ўрганишга тегишли бўлган ва аниқ вазифаларни ҳал қилишга қаратилган аниқ масалаларини ажратиб кўрсатиш қийин. Шунга қарамай, бу масалалар орасида, назаримизда, энг долзарб ҳисобланган ва бу билан энг катта қийинчиликларни келтириб чиқарадиган масалаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Буларга қуйидагилар киради: 1) сўзларнинг ҳар хил маънолари турларига ҳар хил ёндашувларни ўрнатиш; 2) тилда кўп яшаган ва шунинг натижасида кенг ва ранг-баранг семантикага эга бўлган ҳамма ерда қўлланиладиган сўзларни талқин қилишнинг усулларини ишлаб чиқиш; 3) шундай қилиб, биринчи томондан, сўзларнинг ижтимоий нутқий контекстлари, иккинчи томондан, маъноларнинг ривож тарихи, учинчи²⁴ томондан эса, луғатнинг методологик асослари очилишлари учун иерархия принципини – сўзларнинг маъноларини гуруҳлаш ва кетма-кетлигини ишлаб чиқиш; 4) ўз ичига норматив ёки уни луғат муаллифи томонидан яратилган

²³ Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1974.

²⁴ Уфимцева А. А. Лексикология. . М., 1968, с.233.



ўрнакли мисолларни танлашни тилга оид иллюстрациялар муаммосини ҳал қилиш. Бу муаммога шунингдек лексикографнинг ишида алоҳида қийинчиликни ташкил қилувчи луғат иллюстрациясининг социолингвистик, функционал-услубий ва этик-идеологик томонлари ҳам киради; 5) фразеологизмларнинг берилиш ва талқин қилиниш усулини аниқлаш, шу билан бирга фразеологизмлар нутқнинг социолингвистик, функционал-стилистик ва норматив-стилистик томонларидан кўриб чиқилади.

Бу масалалар у ёки бу тарзда ҳар қандай луғат устида ишлашда юзага келади. Уларни биз умумфилологик мақсаддаги инглизча-ўзбекча ўқув лексикографиясини тузишга мослаб пастроқда кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, ўқув лексикографиясининг умумий муаммолари аниқ лексикографияни, хусусан, инглизча-ўзбекча лексикографияни яратишда ихтисослашган ҳолда қўлланилади. Шу билан бирга, инглизча-ўзбекча лексикографияда хусусий муаммолар ёки умумий муаммоларни бевосита батафсил текшириш муаммолари ҳам келиб чиқади.

Демак, юқорида баён қилинган муаммолар ва қийинчиликларга кўра ва яна назарий лексикография нисбатан ёш лингвистик фан бўлганлиги, шунингдек амалий лексикографиянинг барқ уриб ривожланаётганлиги сабабли ҳанузгача асосий лексикографик тушунчаларни ифодалаш учун етарли даражада аниқ ва тугал атамалар тизими мавжуд эмас. Мазкур ишни ўқишнинг қулайлиги учун ушбу тадқиқотда ишлатилаётган лексикографик тушунчаларнинг ўзига хос глоссарийи таклиф қилинмоқда. Ушбу рўйхат олиб борилаётган тадқиқот учун ишчи кўмак ҳисобланиб, таърифларнинг на тўлиқлигига, на узил-кесиллигига даъво қилмайди. Унга, шубҳасиз, умумий лингвистик атамалар ва матнда муфассал шарҳланадиган тушунчалар кирмаган. Мисол тариқасида шуни келтиришимиз мумкин:

АКТУАЛЛАШТИРИЛГАН МАЪНО – ушбу контекстда очиб берилган, амалга оширилган маъно.



Виртуал маъно – нутқда амалга ошиши мумкин бўлган “яширин” маъно.

Дефиниция – сўз маъносини вербал интралингвистик усул билан, яъни тушунтиришлар, парафразалар, синонимлар ёрдамида шарҳлаш.

Иллюстрация – сарлавҳа сўзни сўз бирикмалари, иқтибослар, муаллифларнинг иборалари, мақоллар, маталлар, расмлар, суратлар, карталар, чизмалар билан маъноларни анча аниқ очиб бериш ва аниқлаштириш учун кўшимча характеристика усули.

Сўзнинг семантик структураси – сўзнинг ички мазмунини ташкил қилувчи лексик луғавий маънолар комплекси.

Сўз бирикмаси – энг камида иккита сарлавҳа сўзнинг типик, нормаланган лексик ва синтактик бирикуви.

Фразеологик боғланган бирга қўшила олиш – семантик чекланган фразеологик алоқалар билан характерланадиган, яъни сўзнинг ушбу маъноси бирликларнинг чекланган сони билан бирикмада амалга ошадиган бирга қўшила олиш.

Цитата – сўз қўлланилишининг бадий асардан, публицистикадан ва б. кўчириб олинган ва у ёки бу маънони у ёки бу манбада ишлатилиш далилини қайд қилувчи кенг контекст.

Эквивалент – таржима тилининг (ўнг томон), манба тилининг лексик бирлигига (стилистик, коннотатив ва ҳ.к.) тенг бўлган лексик бирлиги (чап томон).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Л. В. Щерба Лексикографияда эксперимент методининг маҳсулдорлиги М. 1974
2. Уфимцева А. А. Лексикология. . М., 1968, с.233.
3. Виноградов В.В. Избранные труды: Лексикология и лексико-графия. М., 1977.



4. Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1974.

